



ШУ АЗИЗ ВАТАН—БАРЧАМИЗНИКИ!

ОЛОТ НАУОТИ

2022 йил
18 июнь
ШАНБА
№ 11
(4379)

E-mail:
olothayoti3@umail.uz

Халқ депутатлари Олот туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги газетаси



МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши шарт, дейилган.

2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунда фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишларининг тартиби кенг ёритиб берилган. Қонунга мувофиқ, бугунги кунда шахсларнинг мурожаатлари қонунийлик, ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш, мурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, мурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйилмаслиги, мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари фаолиятининг шаффофлиги тамойиллари асосида амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда мурожаатнинг оғзаки, ёзма ёки электрон шакллари бўлиб, буни амалга ошириш учун ҳуқуқий асослар билан биргаликда, зарур шарт-шароитлар, жиҳоз ва технологиялар мавжуд. Мурожаатлар ариза, таклиф ёки шикоят тарзида берилади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш ва ижобий ҳал этиш қонунчилиқда белгиланган тегишли ҳуқуқий асослар, тартиб ва муддатларда амалга оширилади. Жумладан, ариза ёки шикоят 15 кун ичида, қўшимча ўрганиш, текшириш ёки қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилган ҳолларда бир ойгача муддатда кўриб чиқиши мумкин. Таклиф бир ойгача бўлган муддатда ўрганилиб, кўриб чиқилади. Ушбу тартиб-таомилларни ишлаб чиқишда халқ манфаатлари ҳисобга олинди.

2016 йил 28 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича самарали механизмлари татбиқ этилишига асос бўлди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ушбу Фармон асосида Президент девониди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида, республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этилди.

Хулоса ўрнида қайд этиш керакки, мурожаат қилишга оид мазкур конституциявий ҳуқуқдан ҳар бир шахснинг тенг фойдаланиш имконияти тўлиқ йўлга қўйилди. Бугунги кунга келиб, «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак», деган тамойил давлат ва жамият ҳаётига татбиқ этилди. Мурожаатлар билан ишлашнинг замонавий ўзбек моделини яратишга эришилди.

С. ЎРИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олот туманидаги Халқ қабулхонаси мудири.

НУРОНИЙЛАР МУКОФОТЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон faxрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосан тумандошларимиз—Норжон Оймуродова, халқ таълими faxрийси Анвар Одилов «Меҳнат faxрийси» кўкрак нишони билан тақдирландилар.

Норжон Оймуродова ҳалол меҳнати, жонкуярлиги билан танилган шифокор. 100 дан зиёд шогирдлар тайёрлаган. Саховатпеша инсон тиббиёт бўлими ҳудудларини ободонлаштиришга 500 донаноёб гул ва арча дарахтлари келтириб берди.

Анвар Одилов узоқ йиллар 9-, 10-, 28-мактабларда ўқитувчи бўлиб ишлаб обрў-этибор топди. Замонавий ўқув куроллари, компьютерлар асосида янги педагогик технологияларни қўллаш орқали унинг юзлаб ўқувчилари олий ўқув юртларига юқори

кўрсаткичлар билан кирдилар. Анвар Одилов Жайхунобод МФЙ кексалар маслаҳати гуруҳи раҳбари сифатида ҳудуддаги кексаларнинг муаммоларини ўрганиб, бартараф этиб келмоқда.

Мукофот муборак, азиз нуронийлар.

Ж. ҲАМРОЕВ,
жамоатчи мухбир.



АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ БОСҚИЧЛАРИ

СТАТИСТИКА

ва эълон қилиш.

2023 йилда аҳолини рўйхатга олиш беш шакллардаги саволларга жавоб олиш тарзида ўтказилади. Шакллардаги саволларнинг асосий мазмун ва моҳияти булар доимий аҳоли сони, ижтимоий-демографик хусусиятлари (ёши-жинси), аҳолининг яшаш шароитлари, миграция, аҳолининг никоҳ ҳолати, фуқаролиги, таълим даражаси, тилларни билиши, даромад манбалари, бандлиги ва шунга ўхшаш турли хил мазмунлардан иборатдир.

Шунингдек, тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахслар (кичик корхона ва микрофирмалардан ташқари) 2022 йил июнь ойи якуни бўйича 12-қоғона shakli (ойлик) «Ташкилот фаолияти тўғрисида»ги давлат статистика ҳисоботини кейинги ойнинг 5-кунидан, 12-moliya shakli (ойлик) «Ташкилотнинг молиявий аҳволи тўғрисида»ги давлат статистика ҳисоботини кейинги ойнинг 18-кунидан кечиктирмай, юридик шахслар, юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмалари (кичик корхона ва микрофирмалар, хусусий

уй-жой мулкдорлари ширкатлари, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ташқари) 2022 йил 2-чорак учун 4-mehnat shakli (чораклик) «Меҳнат ҳисоботи»ни кейинги ойнинг 6-санасидан кечиктирмай, фермер ҳўжаликлари 2022 йил 1-ярим йиллик учун 2-fx shakli (йилда 2 марта) «Фермер ҳўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот»ни кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмай, маҳалла фуқаролар йиғинлари 2022 йил 1-ярим йиллик учун 2-dx shakli (йилда 2 марта) «Деҳқон ва томорқа ҳўжаликлари фаолияти тўғрисида ҳисобот»ни кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ тақдим этишлари лозим.

Мазкур ҳисобот шаклини Давлат статистика қўмитасининг расмий stat.uz сайтидан ҳамда уни тўлдириш ва электрон шаклда жўнатиш юзасидан 65-34-22-671, 65-34-22-471 телефон рақамлари орқали бепул тушунтиришлар олишлари мумкин.

Н. ЖУМАЕВ,
туман статистика бўлими бошлиғи.